



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**



NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI



**BAG‘RIKENGLIK VA TINCHLIKSEVARLIK KONTEKSTIDA
ISLON ILMIY-MA‘NAVIY MEROSI
Xalqaro ilmiy onlayn konferensiya
M A T E R I A L L A R I
18.06.2021**

**ИСЛАМСКОЕ НАУЧНО-ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ В КОНТЕКСТЕ
ТОЛЕРАНТНОСТИ И МИРОЛЮБИЯ
M A T E P I A Л Ы
международная научная онлайн конференция
18.06.2021**

**ISLAMIC SCIENTIFIC AND SPIRITUAL HERITAGE IN THE CONTEXT
OF TOLERANCE AND PEACEFULNESS
M A T E R I A L S
of the international scientific online conference
18.06.2021**

Navoiy – 2021

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 февралдаги №78-Ғ-сонли фамойиши асосида Навоий давлат педагогика институтида 2021 йил 18 июнь куни ўтказилган “Бағрикенглик ва тинчликсеварлик контекстида ислом илмий-маънавий мероси” мавзусида халқаро илмий конференция материалларидан иборат.

Халқаро илмий конференция мақолалар тўпламини тайёрлаш учун
масъуллар:

Масъул муҳаррир: **Б.Б.Собиров**, профессор, Навоий давлат педагогика институти
ректори

Илмий муҳаррир: **Н.О.Сафарова**, фалсафа фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: **Э.Э.Каримов**, тарих фанлари доктори, профессор, Hofstra
University (АҚШ)

Ш.Ю.Зиёдов, тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий
халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Техник муҳаррир: **М.Х.Норқобилов**

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун
муаллифлар жавобгардирлар.

Абу-Мансур Матуриди, используя неисчислимо количество фактов и источников, выводит в качестве важного требования того, что в мировоззренческих вопросах человек, не ограничиваясь божественными откровениями, должен опираться на собственный опыт и разум. Словом, в работах учеников Абу Ханифы получили дальнейшее развитие его идеи, настраивающие человека только на веру и блокирующие разные доктринальные установки, направленные на манипулирование его сознанием»⁷⁵.

Также при гармонизации социальной жизни ханафии с источниками догмы ислама введение таких методов как адат и истихсан позволило связать национальные традиции с религией в тех странах, куда пришел ислам.

В заключении необходимо сказать, что рациональные, правовые, национальные и политико-экономические традиции ханафизма связаны с жизнью народов и наций в пути, предусмотренном божественным содержанием религиозных убеждений. При этом были мобилизованы методы, предупреждающие вмешательство человеческого фактора.

Использованная литература:

1. Аминов Х.Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. –Тошкент: Маворауннаҳр. 2017.
2. Асанбеков М. Ханафизм как мировоззренческая основа умеренного ислама.// http://mnenie.akipress.org/unews/un_post:10740
3. Ислам. Энциклопедический словарь. –М: Наука, 1991.
4. Ван ден Берг Л.В.Х. Основные начала мусульманского права. СПб., 1882. Репринт издательства «Наталис», СПб., 2005г.

ИСЛОМ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИННИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Саломова Ҳакима Юсуповна

**Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбашунослиги. Фалсафа” кафедраси
профессори, фалсафа фанлари доктори**

**“Инсон ҳаво, сув ва таомга ўта эҳтиёж сезганидек, унинг
руҳи ҳам маънавий, илоҳий ғояга ўта ҳожатманддир”
Сукрот**

**“Таълим дин асосида бўлиши лозим,
шундагина яхши одамлар етишади”
Виктор Гюго**

Ҳар бир шаҳар ўз рангига эга, масалан, Самарқанд – кўк рангли; Фарғона – яшил рангли, Бухоро эса фируза рангли шаҳар саналган. Фируза ранг – циана, яъни денгиз тўлкинининг рангидир. Фируза ранг мукамаллик ва ҳар доимо янгиликка интилишни ифода этган. Шу сабабдан бўлса керак, **Бухородаги мадраса гумбазлари, обида пештоқлари фируза ранг билан безатилган. Деярли барча-барчаси фируза рангда.** Илми аҳли тинимсиз илм сарҳадларини эгаллашларига, мукамаллик фақатгина диний ва дунёвий илмлар орқали вужудга келишига бу ранг бир доно ишорадир. Бундан ташқари фируза ранг осойишталик, барқарорлик ва мувозанатни ҳам англатган. Бу ранг тозалик ва бахту-икбол рамзи ҳамдир. Фируза ранг фақатгина мадраса гумбазларигина эмас, балки мачит-мадраса, хос хоналар пештоқини ҳамда хоналарнинг пастки ярмида ҳам жуда кенг қўлланилган.

2020 йил Бухоро шаҳри учун алоҳида йил бўлди. Бухоро жорий йилнинг 1 январидан эътиборан Ислом маданияти пойтахти унвонини қабул қилиб олди. Бу ҳақда Туризмни ривожлантириш қўмитаси хабар берди. Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳар йили мусулмон мамлакатларидаги учта шаҳарни **Ислом маданияти пойтахти** деб эълон қилди. Уларнинг бири араб давлатлари, бошқаси Осиё ва учинчиси Африка мусулмон мамлакатларидаги шаҳарлардир. Айнан худди шундай эътирофга 2007 йил Тошкент шаҳри лойиқ деб топилган эди, айнан шу йилда **Тошкент шаҳри** Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ISESCO) “Фан, таълим ва маданият” тузилмаси томонидан **Ислом маданияти пойтахти** деб эълон қилинган эди.

⁷⁵ Асанбеков М. Ханафизм как мировоззренческая основа умеренного ислама.// http://mnenie.akipress.org/unews/un_post:10740

Ташкилот маданият вазирлари IX-Ислом конференцияси томонидан **2020 йилда Бухоро, Кохира (Миср) ва Бамако (Мали) шаҳарлари Ислом маданияти пойтахтлари** сифатида тасдиқланган. Аслида Бухорои шариф дейилганда қадим-қадимдан ислом дини, илм, маданият ўчоғи назарда тутилган. Унинг “Қуббатул Ислом”, яъни “Ислом гумбази” деб номлангани бежиз эмас. “Бухоро” атамаси санскритча “Вихара” сўзининг туркий-мўғулча шакли бўлиб, **“ибодатхона”** маъносини англатади. Мазкур атама сўғдийча “буғ” ёки “бағ” – “тангри”, “оро” – “жамол” сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган бўлиб, **“тангри жамоли”** деган маънони англатади.

Эрамизнинг VI асрида сўғдийча Нумиджет, VII – VIII асрлада – Пухо, Бухо, Бугэ. Кейинроқ шунчаки, оддийгина Бухоро деб юритила бошланди[1]. Қачонлардир ҳозирги Ромитанни Бухоро деб аташган. Бухоро–инсоният тарихида диний-маърифий тафаккур пирларини етказган муқаддас заминдир. Кўхна Туроннинг марказларидан бири бўлиб келган муборак шаҳар – **Бухоро** – аждодларимиз бой маънавиятининг орифларини, пири комилларини ўз бағрида улғайтиргани боис **“етти пир Ватани”** деган ном олди. Тарихий илмий манбаларнинг яна бирида **“Бухоро”** – **“Ўқитиш жойи”** деган маънони ҳам англатиши ҳақида маълумотлар берилган. Бухоро мадрасаларида бериладиган илмлар мукамал ва чуқур берилган ҳамда мазкур шаҳар аҳолисининг ёшу-қариси илмга кучли қизиқишган. IX асрдаёқ кўз операциялари муваффақиятли ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу борада Жалолиддин Румий ёзган мисраларни эсласак:

“Бухоро илмларнинг булоғи,

Кимки бухоролик бўлса, унда ўша илм бўлади”

деб Бухоро шаҳрини илмлар макони эканлигига ишора қилади. Бошқа бир жойда:

“Бухороликка хорлик кўзи билан қарама” [2] .

деган мисралари орқали илмли инсонни авайлашга инсониятни чақиради. **Зеро, фан, илм инсониятга оқилона меъёрни эгаллашга ёрдам беради. Фан, илм оқилона меъёр билан “қўл ушлашган” бўлади. Уларни ўзида сингдирган инсон табиат борлигида ҳам, маънавий борликда ҳам олам тартиблигини сақлашга доимо интилади. Олам асосида, олам мулкида меъёр билан яшаш Оллоҳга - ислом динига итоат этишдир.** Наршахий Бухоро Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий туфайли **“Қуббатул ислом”–“Ислом динининг гумбази”** номини олган ва Бухоро Байтул ҳикмати пойдеворини Ҳожатбарор номи билан бутун дунёга танитган зот эканлигини кўрсатиб ўтган. Ўз замонасининг машҳур пирлари бу табаррук шаҳарда умр басар этдилар:

1. Хожа Абдуҳолик Гиждувоний

2. Хожа Ориф Ревгари (хожаи Моҳитобон);

3. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий;

4. Хожа Али Ромитаний (хожаи Азизон);

5. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий;

6. Хожа Саййид Мир Кулол Бухорий;

7. Хожа Муҳаммад Баҳоуддин ибн Саййид Жалолиддин Нақшбанд. Бухорийлар номлари бирма-бир эсланиб ўтилса, ҳақиқатдан ҳам Бухоро шаҳрининг илмлар макони бўлгани бежиз эмас эканлигига қойил қоласиз. Бухоро тупроғида дунёга келган буюк алломалар – Исмоил Бухорий, Бобо Туркий Жандий, Ибн Сино, Абу Муслим Нужободий, Абу Исо Кабодий, Хошим Девона, Абдуҳолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Шайх Низомиддин, Абу Зафар Бухорий, Муҳаммад Наршахий, Ҳофиз Таниш Бухорий... Абу Ҳафс Кабир Аҳмад ибн Ҳафс ибн Забуркон иб Абдуллоҳ Бухорий (767-832 й.) ислом оламининг буюк фақиҳ олими[3], уларнинг ўғиллари Абу Абдуллоҳ Абу Ҳафс Сағир Бухорий (вафотлари 877й.) оталари сингари фикҳ илмининг пешқадамларидан бўлганлар. Уламолар ота болани адаштирмасликлари учун оталарини Абу Ҳафс Кабир, ўғилларини эса Абу Ҳафс Сағир деб аташган. Абу Мансур Хасан ибн Нух Қумрий Бухорий (Табобат илмида Инб Сионинг устозлари бўлган) (вафотлари 990 йил), улар Сомонийлар амири Мансур Ибн Яҳёнинг шахсий табиби бўлганлар. Абу Нажиб Шаҳобиддин Аъмак Бухорий (вафотлари 1148 йил) шоир. Маҳмуд ибн Садру–с-саид Тожуддин Аҳмад ибн Садру-л-кабир Бурхониддин Абдулазиз ибн Умар ибн Моза (XVI асрда яшаган) фақиҳ, ислом ҳуқуқининг турли тармоқлари ривожига улкан ҳисса қўшган аллома. Муҳаммад Авфий Нуриддин Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Усмо Бухорий (1177-1233 й.) - Шарқ адабиётидаги тазкирачилик асосчиларидан бири. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Шис ибн Ҳакам Саффор [4] Бухорий (1065-1139 й.) бир вақтнинг ўзида улар калом илми алломаси сифатида ҳамда машҳур косиб сифатида ҳам шуҳрат қозонганлар. Ҳар бир олим бир олам. Биз билмаган алломалар ҳам талайгина. Бухоро алломалари номлари жаҳонга машҳур. Улардан бири тиб илмининг асосчиси бўлса, бошқа бир “ҳадис аҳлининг пешвоси”, яна бири тарихчи, фақиҳ, шоир, сўфий, яна бири инсон танасини даволовчи бўлса, бошқа бири инсон қалбини даволовчи, тарбияловчи, ҳунарманд-у, дониш аҳли бўлишган.

Ислом маданиятининг ёркин намунаси – Куръони Карим ва Ҳадислардир. Ҳадис тўпловчилар миқдори кўп бўлишига қарамай, улар ичида энг ишонарлиси Имом Бухорий ҳадислари бўлган. Имом Бухорийнинг энг катта ютуқлари ҳар бир ҳадисда учрайдиган мураккаб, ёхуд тушуниши қийин бўлган ибораларни ўта аниқ ва тўғри китобхонга етказа олишга ҳаракат қилганларидир. Дикқат қилинг.

Ислом дини – муқаддас дин. **Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом: ”Дин – панду насиҳатдан иборатдир”,** деб яна бир бошқа манбада **“Дин – покизалиқдир”,- марҳамат қилганлар.**

“Мухаддислар султони” деб улкан шухрат қозонган Имом Бухорий ўзларининг “Ал-жомеъ ас-саҳих”ларида бундай ёзадилар:”Дийн (дин) бўлса, яхшилиқ учун мукофот ва ёмонлик учун жазо бўлиб, “тадийну ва тудону (фёъл-атворинг ва қилган амалингга яраша мукофотланасан ва жазоланасан) кабидир. Мужоҳид: “Фотиха сурасидаги **“Ал-дин” сўзи “ал-ҳисоб”** сўзига мувофиқ келади, “мадинуна” сўзи “муҳосибуна” сўзига мувофиқ келгани каби” [5]. “Дин” сўзининг этимологияси каби унинг моҳияти ҳам чуқур ва серқирра. Инсонни ҳаёти давомидаги ҳар бир ҳатти-ҳаракати, фаолияти ҳисоб қилиниб борилади. Бу эса, инсонни ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш деганидир. Табиат борлиғидаги ҳар бир неъмат ҳам ҳисобли. Асло уни тугамас, битмас деб, ҳисоблаш жоиз эмас. Ер қаеридага маъданлар ҳам, балиқлар, тоғлар, сув заҳиралари ҳам ҳисобли, яъни янгилашиш, пайдо бўлиш, сарфланиш ва ҳосил бўлиш миқдори, кўламига эга. Гўё инсон нафаси каби, қон босими меъёри каби, қондаги шакар миқдори каби... Инсонни энг муқаррам зот деб улуғловчи, беғуноҳ қон тўкишни қораловчи, табиат неъматлари - ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ҳар бирини инсон каби “умматим” деб эъзозловчи дин-исломдир. Исломга оид барча манбаларда маданият пойдевори фан - илм эканлигини шунда билса бўладики, биргина **“илм” калимаси 750 дан ортиқ тилга олинган.** Мазкур илм – биргина диний илмга оид бўлмай, у моддий оламга оид илмларни ҳам ўз таркибига олади. Яъни диний ва дунёвий илмлар қушларнинг қўш қанотидир. Исломда асло диний ва дунёвий илмлар орасида “хитой девори” қўйилмаган. Шу сабабли ҳам буюк мутафаккирларимизнинг диний ва дунёвий илмларни имкони борича, биргаликда, бир бутунликда эгаллашга ҳаракат қилишган. Инсон жисм ва руҳдан иборат ягоналик бўлиб, жисм озукқа муҳтож бўлганидек, айнан инсон руҳи ҳам озукқа муҳтождир. Бу озук – илмдир. Бу ҳақда **Шамс Табризий “Илмни Ҳақ таоло инсон руҳининг озукаси қилиб берган. У зиёда бўлган сари иймон бақувватлашиб, ўз эгасига улкан яхшилиқлар олиб келади. Илмни фақат сабр билан ўқиш билан ўрганиш мумкин. Илми билан Аллоҳ ризосини истаган кишига Роббим юзини қаратади ва марҳаматини аямайди. Илмни тунлари ўрганинг. Чунки кундузи қалб дунё ташвишлари билан беҳаловат бўлади. Тун сокин бўлгани учун кўп нарса ўрганасиз...Ҳаётингизни ҳар куни сиз учун дарсдир”.** Ёхуд яна бир жойда **“Илмни севган инсонни яхши фазилатлар қуршаб олади.** Олимлар даврасида бўлинг, ҳурмат топасиз. Дунё сизни сариқ чақасиз қолдирганида ҳам илм ўрганиш пайида бўлинг. Илм сизни тўғри йўлга бошлайди”. Демокрит инсоннинг барча аҳмоққона ҳатти-ҳаракати илмсизликдан деб билади. На жисмоний куч ва на моддий бойлик кишиларни бахтли қила олади. Юқоридаги доно иборалар устида фикр-мулоҳаза юритсак, илмли инсон барча инсонларга яхшилиқ раво кўрувчи, эзгу ишларни бошлаб берувчи, ҳар бир инсонни кадрловчи, инсониятга эзгуликлар улашувчи саховатли инсон эканлигини англаш қийин эмас. Шу сабабли Бухородаги қариялар орасида шундай ибора бор: “Сатта девона мурад, мурад, аммо якта доно намурад.” Бир олимнинг ўлими юзлаб аҳмоқлар ўлимидан фажиали, катта жудолик. Чунки бу жудолик туфайли фазо жиҳатидан бепоён бўлган илм майдони ҳам кетади. Зеро илм аҳлининг ҳар бири жуда-жуда қимматли, уларнинг ҳар бири ислом маданияти деб аталмиш комил бинога “минглаб ғишларни” шундай жойлаштира олишдики, илми кемтиклар қўлидан бундай ишлар асло келмайди.

Етти пир вакилларида бири **Саййид Мир Кулол** илм ҳақида бундай ёзганлар:”**Илм йўлига кирган, эй толиб, агар дуч келса, ҳатто олов дарёсин кечиб ўт!**”. Илм излаш, илм олишдаги азобларга чидаш катта матонатни талаб этади.

Ҳар бир орган, аъзолар тизимининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш илми туфайли **Ибн Сино:**

1. Юракнинг саккиз хил ҳолатини (миқдор ва сифат кўрсаткичларига кўра);
2. Йигирма олти хил нафас олиш ҳолатини;
3. Ўнта сифат ҳамда миқдор кўрсаткичини мезон ҳисоблаб (мана шу параметрларга кўра) томир уришларнинг 50 га яқин хилларини аниқлади. Ўтказган амалий тажрибаларига асосланиб, томир уриши ҳақидаги назарияга бағишланган “Рисолайи набзия” тиббий асарини ёзди);
4. Ибн Сино 60 дан ортиқ хилма-хил иситмалар ва иситмали касалликларни баён этди. 60 хил иситмани бир-биридан сифат ва миқдор кўрсаткичларидаги фарқларни тўлиқ изоҳлаб, бир кунлик иситмада 23 хилини белгиларни, кечишларини ва оқибатларини тўлиқ кўрсатиб берди [6]. Илк бор

жинсий маданият борасида илмий маълумотлар, оила маданияти, жисмоний ва руҳий муҳаббат турлари, улар орасидаги мутаносибликлар ҳамда зиддиятлар, оила аъзоларининг бир-бирига қиладиган муомала-ахлоқий маданиятни, тананинг етук ҳолати билан ақлнинг етуклиги ўртасидаги ноуйғунлик, номутаносибликни йўқотиш учун зарур бўлган “ёшни суриш” ғояси, тана ва рух, мизож, табиий ўлим, соғлом турмуш маданиятининг яхлит – ягона доираси кириб олган “кичик ва жажжи”, кўз илғамас, аммо ниҳоятда муҳим маданият бўлакчаларининг туб моҳиятини ёритди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг “Даст-ба қору, дилба ёр” фикрларини биргина ўзи миллиардлаб кишилар ғоясига айланди. Зеро, инсонни инсон қиладиган – ҳалол меҳнат, қалбини олийжанобликка етаклаш омили – ҳалол меҳнат эканлиги уқтирилиб, фақат яхшилиқлар олиб келадиган меҳнатлар моҳияти амалиётга, ҳаётга айлантирилди. Булар ислом маданияти. Бир аллома инсон саломатлиги, тана саломатлиги, соғлом турмуш маданиятига “ғишт” қўйган бўлсалар, иккинчилари инсон қалби соғломлиги пойдевори кўрсатиб, қалбни даволамай туриб, танани даволаб бўлмаслиги, ҳалол меҳнат туфайли инсон икки дунё саодатига эришини кўрсата олдилар. Бу ислом маданиятидир. Ҳалол меҳнат ва илм – инсонни комилликка етакловчи омилардир. Ҳалол меҳнат инсонни қалбини эзуликлар сари етаклайдиган – буюк куч. Юқорида номлари тилга олинган мутафаккирлар фаннинг хилма-хил соҳалари билан шуғулланибгина қолмай, дунёвий фанларга ҳам жиддий эътибор беришган.

Адабиётлар:

1. Қаранг. В.Г.Сааков. История Бухары: 100 вопросов и ответов. Ташкент. Главная редакция издательско-полиграфического концерна. «Шарк». 1996. С. 7.
2. Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Т.: “Шарк”. 2008.
3. Наршахийнинг ёзишича, уларнинг шарофати билан Бухоро “Қуббату-л-ислом” - “Ислом динининг гумбази” унвонини олган. Уларга “Қабир Бухорий” – “Бухорийларнинг каттаси” ва “Ҳожатбарор имом” деган унвонлар берилган.
4. “Саффор” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “Мисгар”, “Мис қуйиб ҳар хил идишлар ясовчи” деган маънони англатади.
5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомий Ас-Саҳиҳи (Ишонарли тўплам). 3-жилд. Қомуслар бош таҳририяти. Т., 1994. 150-бет.
6. Абдукахарова М.Ф., Тошбоев Б.Ю. ва бошқалар. Абу Али Ибн Сино ва унинг мероси. “Тиб қонунлари” асарининг моҳияти. // Ибн Сино илмий мероси ва замонавий тиббиётнинг долзарб муаммолари. VIII Халқаро Ибн Сино ўқишлари. Бухоро, 2015 йил 20-21 ноябрь. 33-бет.

БИБЛИОТЕКА ДУКЧИ-ИШАНА

Шовосил Зиёдов
директор **Международного**
научно-исследовательского центра Имама Бухари

Определенное значение для изучения мировоззрения и духовного мира Дукчи-ишана и его окружения имеет вақфная библиотека, принадлежавшая его ханакашу. Она известна под условным названием «Библиотека Дукчи-ишана». Несмотря на многочисленные упоминания в научной литературе о книгах Библиотеки Дукчи-ишана, до сих пор не предпринята попытка анализа их содержания.

Судьба этой библиотеки сложна и запутана. При аресте участников андижанского восстания (волнения имели место 18 мая 1898 г.) рукописные и литографированные книги (точное количество не упоминается) были конфискованы властями в числе других предметов, принадлежавших минтюбинскому ишану. По сообщению В.А. Жуковского (1858-1918), еще до января 1899 г. собрание книг Дукчи-ишана должно было переходить в ведение Ташкентской публичной библиотеки⁷⁶.

⁷⁶ Записки Восточного отделения Императорского российского археологического общества. Том XII (1899), с. IV. По другим неуточненным данным, по ходатайству вице-председателя Туркестанского кружка любителей археологии (сокращенно – ТКЛА, просуществовал в 1895-1917 гг.) Н.П. Остроумова (1846-1930) после завершения судебных процессов в 1898 г. книги были переданы в кружок: Азимджанова С.А., Вороновский Д.Г. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР // Востокведные фонды крупнейших библиотек Советского Союза. Статьи и сообщения. Москва: Издательство восточной литературы, 1963, с. 115. По другим же сведениям, книги уже в 1898 г. сразу были переданы в Публичную библиотеку: Кормилицын А.И. Рукописные коллекции и библиотеки на территории Узбекистана эпохи средневековья. Ташкент, 1993, с. 52.

ИСЛОМ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ Саломова Ҳакима Юсуповна-Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбашунослиги. Фалсафа” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.....	38
БИБЛИОТЕКА ДУКЧИ-ИШАНА Шовосил Зиёдов, директор Международного научно-исследовательского центра Имама Бухари.....	41
«ВОСТОЧНОЕ ВОЗРОЖДЕНИЕ» В ФИЛОСОФИИ И МИФОТВОРЧЕСТВЕ РОМАНТИЗМА Е. Г. Милюгина, доктор филологических наук, профессор ФГБОУ ВО «Тверской государственный университет», Тверь, Россия.....	45
ХІХ АСРНИНГ ІІ ЯРМИ ХХ АСРНИНГ БОШЛАРИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ИСЛОМ ДИНИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ Ғоффоров Шокир Сафарович-Самарқанд давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.....	47
РОЛЬ ОРДЕНА НАКШБАНДИЯ В РАЗВИТИИ МЕЖКУЛЬТУРНОГО ДИАЛОГА МЕЖДУ ТУРКОЯЗЫЧНЫМИ И ПЕРСОЯЗЫЧНЫМИ НАРОДАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ Джафар ХОЛМУМИНОВ, Доктор философских наук (DSc), доцент кафедры «Источниковедение и суфийской герменвтики» Ташкентского государственного университета востоковедение.....	53
КОРАН И ЕГО ВОЗДЕЙСТВИЕ НА РУССКИЙ МИР В XVIII ВЕКЕ Рахманова Альбина Ходжаевна, кандидат филологических наук, доцент, кафедра русского языка и литературы, Навоийский государственный педагогический институт, Узбекистан.....	60
ИСЛАМСКАЯ НАСЛЕДИЯ ШИГАБУДДИНА МАРДЖАНИ В РАЗВИТИИ ЕВРОПЕЙСКОГО РЕНЕССАНСА Хакимов Муслихиддин Шиджоиддинович, Болгарская Исламская Академия Россия, р. Татарстан.....	63
ДУХОВНОСТЬ КАК ЛИЧНОСТНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА Корсак Н.В. старший преподаватель, УО «Гомельский государственный университет имени Ф. Скорины», г. Гомель, Беларусь.....	65
ЮНОН ВА ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДАГИ БИЛИШ МУАММОСИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ (Беруний ва Ибн Сино карашлари мисолида) Шамсуддинова Н.К.– НавДПИ Ижтимоий фанлар кафедраси докторанти, Навоий.....	67
ЕВРОПА РЕНЕССАНС ДАВРИ ТАРАҚҚИЁТИДА НАСИРИДДИН ТУСИЙНИНГ ЎРНИ БухДУ “Миллий ғоя,маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси мустақил тадқиқотчиси Абдуллаева Феруза Шариповна.....	68
SHARQ TAMADDUNI – G'ARB VA SHARQ O'RTASIDAGI KO'PRIK Muqimova S. –NavDPI.....	70
АНТИК ДАВР ЮНОН НЕОПЛАТОНИЗМДАГИ ВА ЎРТА АСР АРАБ-МУСУЛМОН ТЕОЛОГИЯСИДАГИ ЭРКИНЛИК ФЕНОМЕНИНИНГ КОМПАРАТИВИСТИК ТАҲЛИЛИ Рахимджанова Дилнавоз Суннат қизи - Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти.....	72
МИРОЛЮБИЕ И ТОЛЕРАНТНОСТЬ КАК ВАЖНЕЙШИЕ ФАКТОРЫ В УКРЕПЛЕНИИ МИРА, СПОКОЙСТВИЯ И БЛАГОПОЛУЧИЯ Рахматова Мамура Шахридиновна-преподаватель русского языка и литературы НавГПИ.....	75
ELITE CULTURE Shigabudinova Dina Yasavievna, Bukhara State University Lecturer, independent researcher of Faculty of foreign languages (ESP) natural sciences department.....	76
ЕВРОПА РЕНЕССАНС ДАВРИ ТАРАҚҚИЁТИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ Умаров Бахтишод – Бухду, магистрант.....	79

BAG‘RIKENGLIK VA TINCHLIKSEVARLIK
KONTEKSTIDA ISLOM ILMIY-MA‘NAVIY MEROSI
Xalqaro ilmiy onlayn konferensiya
M A T E R I A L L A R I
18.06.2021

ИСЛАМСКОЕ НАУЧНО-ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ В КОНТЕКСТЕ
ТОЛЕРАНТНОСТИ И МИРОЛЮБИЯ
M A T E P И A Л Ы
международная научная онлайн конференция
18.06.2021

ISLAMIC SCIENTIFIC AND SPIRITUAL HERITAGE IN THE CONTEXT
OF TOLERANCE AND PEACEFULNESS
M A T E R I A L S
of the international scientific online conference
18.06.2021

© Навоий давлат педагогика институти, 18.06.2021.

Босишга рухсат берилди: 18.06.2021 й. Қоғоз бичими 80x64. 1/8
Ҳажми 38,3. босма табоқ. Адади 100 нусха.
Босмахона манзили: Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси 45-уй,
НавДПИ кичик босмахонаси
